

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК*

Ахмедов Хуршид Иводуллаевич

**Республика иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида
инвестиция сиёсатини такомиллаштиришнинг долзарб
масалалари**

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: Проф. М.И.Альмарданов

ТОШКЕНТ – 2013

**Магистрлик диссертация иши «Ижтимоий соҳалар менежменти»
кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.**

_____ - сонли баённома « ____ » _____ 2013 й.

Илмий раҳбар: Проф. М.И.Альмарданов

_____ **имзо** _____ **сана**

Ташқи тақризчи:

_____ **имзо** _____ **сана**

Магистр: Ахмедов Х.И.

_____ **имзо** _____ **сана**

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-Боб. Инвестиция сиёсатининг илмий – назарий асослари	8
1.1. Чет эл инвестицияларининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётига таъсири	8
1.2. Инвестиция сиёсатининг назарий жиҳатлари	16
1.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари	22
1-боб бўйича хулоса	26
2-боб. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари	28
2.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг моҳияти ва босқичлари	28
2.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари	35
2.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида инвестиция сиёсати натижалари таҳлили	44
2-боб бўйича хулоса	57
3-боб. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари	59
3.1. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириш йўллари	59
3.2. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг стратегик йўналишлари	67
3.3. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини ривожлантириш истиқболлари.	71
3-боб бўйича хулоса	75
Хулоса ва таклифлар	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	83
Иловалар	89

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, кўпгина мамлакатлар иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларга иқтисодиётни ва унинг тармоқларини эркинлаштириш туфайли эришишган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради. Бундай эркинлаштиришнинг асосий шаклларида бири хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтиришни таъминлашдир.

Чет эл инвестициялари кўп мамлакатлар учун муҳим капитал манбаси ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фақат инвестициялар негизидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш ўринларига эга қилади, янги техника ва технологияларни иқтисодиёт тармоқларига олиб киради, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак»¹ деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилиш, бунинг учун зарур инвестицион муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун кафолатларни яратиш — миллий

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

иқтисодиётнинг тизимли таъминланиши ва ишлаб чиқариш модернизациясининг, экспорт ўсиши ва импортни ўрнини босиш таъминланишининг муҳим шартларидандир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенг иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистонда молиялаштиришнинг ички манбалари чекланганлиги ва янги техника ва технологиялар билан қуролланмаганлиги муаммосини ҳал қилишда инвестиция сиёсатидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш орқали мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини ўрганиш долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция фаолияти ва унинг манбаларининг назарий ва амалий муаммолари, унинг иқтисодий тараққиётдаги роли ва аҳамияти, ривожланишнинг айрим жиҳатлари хориж иқтисодчилари Б.Зи, К.Алекс, М.Алан, Беренс В., Хавранек П., россиялик олимлар Царев В.В., Шевчук Д.А., Э.Р.Орлова, В.В.Ковалев, Ўзбекистонлик олимлар Ғуломов С.С, Ҳикматов А.Х, Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А, Ўлмасов А., Расулев А.Ф., А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов, Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А., Юлдашев Р.З., Рашидов О.Ю., Шодиев Р.Х., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Ҳайдаров Н.Ҳ. ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида давлат инвестиция сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштириш, чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш ва улардан самарали

фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- инвестиция сиёсатининг илмий – назарий асосларини қўриб чиқиш;
- Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш жараёнининг моҳияти ва босқичларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари ва натижаларини таҳлил қилиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишнинг стратегик йўналишлари ва истиқболларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг объекти. Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг предмети. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари ва муносабатлари ишнинг предмети таъкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари - Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ўзбек ва чет эл иқтисодчи олимларининг асарлари ва мақолалари. Маълумот манбалари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари, статистик тўпламлар ва интернет сайтлар маълумотлари

хисобланади. Тадқиқотнинг методи сифатида илмий абстракция, тизимли ёндашув, функционал-тузилмавий таҳлил ва ўзаро таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг моҳияти ва босқичлари таҳлил этилди;
- Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари кўриб чиқилди;
- иқтисодиётни эркинлаштириш даврида инвестиция сиёсати натижалари таҳлил этилди;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари очиб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий натижаларидан, ишлаб чиқилган илмий-амалий хулосалар ва тавсиялардан Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш суръатларини тезлаштириш ва кўламини кенгайтириш муаммоларини тадқиқ этишда, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда, “Хорижий инвестициялар” ва “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш” махсус курслари бўйича таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, предмети, объекти, мақсади, вазифалари, янгилиги, методлари, назарий ва методологик манбалари, амалий аҳамияти, таркиби ва ҳажми берилган.

Магистрлик диссертациянинг биринчи бобида чет эл инвестицияларининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётига таъсири, давлат

инвестиция сиёсатининг моҳияти ва назарий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг моҳияти ва босқичлари, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари, шунингдек мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи бобида Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириш йўллари, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг стратегик йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Диссертацияда Ўзбекистонда иқтисодиётни, хусусан ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнлари, иқтисодий ислохотлар даврида давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда уни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида умумий хулосалар ва унинг натижаларини амалий қўллаш таклифлари, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва бошқа таклифлар кўрсатиб ўтилган.

1-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Чет эл инвестицияларининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётига таъсири

Чет эл инвестициялари халқаро иқтисодий муносабатларда аҳамиятли ролга эга ва кўп давлатлар учун муҳим капитал манбаси ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Бугунги кунда асосий вазифамиз –ҳар бир инвестицион лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдир”² деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий механизмини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Инвестициялашни кўп томонлама жараён сифатида кўриб чиқиш мумкин. Таърифга кўра, “Инвестиция (лотин тилидан *investire* – қўйиш, жойлаштириш; инглиз тилидан *investments* – капитал қўйилмалар) – юридик мустақил корхонага узоқ муддатга (минимум 1 йилдан ортиқ муддатга) қўшимча фойда олиш мақсадида ёки таъсир ўтказиш мақсадида капитални жойлаштиришдир”³.

² Каримов И.А “ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. 38 – бет.

³ Язык бизнеса. Термины. Т., ИПК, «Шарк», 1995, с. 171

Инвестициялар – бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, юридик ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодийнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар бу жараённинг асоси бўлиб хизмат қилади. Лекин, инвестициялар ўзаро фойдали жараён бўлиши кераклигини ҳисобга олмоқ зарур. Яъни, инвестициялар объектга қандай бўлса, субъект (инвестор)га ҳам шундай фойда келтириши керак.

Хуқуқий жиҳатдан инвестиция тушунчаси “Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”⁷ деб таърифланган.

Аксарият назариялар хорижий ишлаб чиқариш ва халқаро савдонинг ўзаро ўрнини босувчи бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими юқори технологияларнинг келишига олиб келади, шунингдек, уларни маҳаллий фирмаларга жорий этиш самарасини оширади, бу эса мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланишга олиб келади, деган фикрга асосланади.

Инвестициялар натижасида технологияларни узатиш самарасини учта турга ажратиш мумкин:

-Намойишли ва кўргазмали самара – миллий фирмалар олиб кирилган юқори технологияларнинг техник ютуқларини нусхалаш йўли билан жорий этишлари мумкин.

- Ишчи кучи кадрларининг қўнимсизлиги – тегишли трансмиллий корпорациялар (ТМК) доирасида ўз малакасини ошираётган ишчи ва хизматчилар маҳаллий фирмаларга ахборот беришлари ёки ўз компанияларини ташкил этишлари мумкин, бу эса юқори технологияларнинг тарқалишига кўмаклашади.

- Хорижий ва миллий фирмалар ўртасида ишлаб чиқариш ҳамда бошқа алоқаларнинг ўрнатилиши ва кенгайтирилиши, бу ТМК томонидан

³ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

маҳаллий товарлар, хизматлар, ишлаб чиқариш қувватларига бўлган талабга боғлиқ.

Умуман, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва юқори технологияларни, бошқарув кўникмаларини жалб қилиш миллий фирмаларнинг ишлаб чиқариш усулларига муайян ўзгаришларни олиб киради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш нуктаи назаридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш керак, уларсиз юқори технологияларни узатиш ҳам бўлмайди. Технологияларнинг ўзини сотиб олиш кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти давлатлари учун қимматга тушади ва кўпинча бунинг иложи ҳам бўлмайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар маҳаллий фирмаларда мавжуд юқори технологиялар пакетини ошириши мумкин. Янги технологияларни маҳаллий шароитларда мослаштириш ҳам муҳимдир.

Хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатда меҳнат унумдорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Сўнгги йиларда ушбу масала бўйича турли фикрлар пайдо бўлган. Айрим тадқиқотлар кўрсатишича, хорижий инвестициялар маҳаллий фирмаларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, маҳаллий фирмалар йирик капитал кўйилмаларсиз ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга эришишлари, бунинг самараси эса узоқ истиқболда кўринади.

Хорижий инвесторлар юқори малакали ишчи кучига талабни оширади, аҳоли фаровонлиги даражасини кўтаради, чунки ТМКлар маҳаллий фирмаларга қараганда юқорироқ маош тўлайди. Бироқ шунга яраша адолатсиз рақобат туфайли маҳаллий фирмаларнинг фойдаси ҳам камаёди. ТМК оралиқ маҳсулотни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, чунки унга талабни юзага келтиради. Маҳаллий фирмалар ТМКлар томонидан яратилаётган талабга асосан қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини яратишга мажбурдирлар. Бу ривожланиш даражаси паст

мамлакатларга кўпроқ хос хусусият бўлиб, улар ўз саноат ишлаб чиқариш қувватларига деярли эга эмас.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири билан бирга, унинг салбий самаралари ҳам мавжуд.

Улардан бири – ички капитал қўйилмаларнинг хорижий инвестициялар ва маҳаллий фирмаларнинг юқори рақобатбардошликка эга бўлган ТМКлар томонидан сиқиб чиқарилиши ҳисобланади. Бироқ ушбу самара доимий эмас, чунки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳамда олиб кирилган юқори технологиялардан ташқи самара ҳисобига миллий фирмалар экспансиясига ёрдам бериши мумкин. Маълумотлар кўрсатишича, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг нетто оқимини киритилган ҳар бир долларга нисбатан ўсиб боиши қабул қилувчи мамлакат умумий капиталининг бир долларида кўпроқ ҳажмда ўсишига олиб келади (ўзгаришлар 1,5-2,3 марта доирасида). Шундай қилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат умумий капиталининг ўсиши асосида иқтисодий ўсишга кўмаклашади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолашнинг муҳим масалаларидан бири хорижий инвестициялар оқими ҳисобига умумий капитал фондлар ҳажмининг ортиши бўлиб, бунда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши янги капитал қўйилмаларни рағбатлантиради, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлмаганида, улар ҳам бўлмасди. Бу самара хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига жамғарилган капиталнинг кўпайиши номини олди. Бунга нисбатан тескари самара миллий инвестицияларнинг хорижий инвестициялар томонидан сиқиб чиқарилишидир.

Умуман олганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг капитал жамғариш даражасига таъсири турли мамлакатлардаги миллий

иқтисодий сиёсат, хорижий инвестициялар шакллари, миллий компанияларнинг рақобатбардошлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш учун қабул қилувчи мамлакатларда қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Бу – илгари қабул қилувчи мамлакатда бўлмаган ва ички ёки ташқи бозорларда сотишга мўлжалланган янги товарлар, хизматлар, технологияларнинг жорий этилишига қўмаклашишдир. Бундай инвестициялар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолият юритаётган тармоқларга киритиладиган хорижий капиталга қараганда ижобий таъсир кўрсатади. Биринчи ҳолда хорижий инвестициялар капитал фондларига ижобий таъсир кўрсатади, чунки миллий ишлаб чиқарувчилар бундай товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматларни кўрсатиш учун тегишли билим даражасига, техник жиҳозларга ва технологияларга эга эмас.

Агар инвестициялар рақобатбардош маҳаллий компаниялар (ёки экспортга йўналтирилган компаниялар) фаолият юритадиган тармоқларга йўналтирилса, хорижий инвестицияларнинг киритилишининг ўзи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар пайдо бўлишидан олдин миллий ишлаб чиқарувчилар учун очиқ бўлган инвестиция имкониятларини чегаралаши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бундай тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ички капитални қисқартириши аниқ кўриниб турибди, ваҳоланки, бу капитал маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан келгусида киритилиши мумкин эди. Бундай тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий капитал фондлардаги улуши киритилган инвестициялар ҳажмларига қараганда камроқ бўлади.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг тармоқ бўйича тақсимланиши анча табақалашган. Агар хорижий инвестициялар қабул қилувчи иқтисодиётнинг ривожланмаган тармоқларига киритилса, технологик омилларга ёки хорижий бозорлар ҳақида ахборотнинг йўқлигига боғлиқ ҳолда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва ички капитал қўйилмалари ўзаро бир-бирини тўлдиради. Бошқа томондан,

тармоқда турли миллий фирмалар фаолият юритаётган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ички киритмаларни сиқиб чиқаради. Маҳаллий фирмалар илгари хорижий ТМК томонидан берилган юқори технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлса ҳам худди шундай ҳолат юз беради.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини қуйидаги йўналишларда аниқлаш мумкин.

ТМК томонидан шуъба компаниялар ва филиалларнинг ташкил этилиши иқтисодиётга капитал киритмалар ҳажмининг ўсишига, меҳнат унумдорлиги ва бандлик даражасининг ортишига кўмаклашади.

Юқори технологиялар – бошқарув ва маркетинг кўникмаларининг кириб келишига кўмаклашади.

Экспорт бозорларини ўзлаштириш имкониятлари кенгаяди, чунки кўпинча ТМКдан товарларнинг бир мамлакатдан бошқа давлатлар бозорига ўтиши каналлари сифатида фойдаланилади.

ТМК қабул қилаётган мамлакатларда фаолият юритаётган ўз филиалларига тегишли қалтисликларни тўлиқ қоплайдилар. Агар филиаллар операциялари рентабелли бўлмаса, даромадлар репартиация қилинади, демак, капитал қўйилмалар олинган фойда ҳисобига қопланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салбий самарасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Маҳаллий компаниялар томонидан миллий ишлаб чиқариш ва ривожланиш стратегиясини танлаш назоратининг йўқотилиши. Амалда ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоқлари устидан назорат хорижликларга бериб қўйилади, улар эса муайян ривожланиш стратегияларига таъсир ўтказадилар.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кучли рақобат асосида миллий компанияларни сиқиб чиқаришлари мумкин.

Агар филиалларнинг ишлаб чиқариши катта импорт ҳажмларини талаб қилса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи иқтисодиётнинг тўлов баланси ҳолатига салбий таъсир кўрсатади (бунда ишлаб чиқариш экспорт бозорларига эмас, балки ички бозорга қанчалик кўп йўналтирилган бўлса, ушбу салбий самара шунчалик кучли бўлади).

Узоқ муддатли истиқболда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қимматга тушиши мумкин, чунки киритилган инвестициялар муддати қанчалик узоқ бўлса, репартацияланган даромадлар ва “роялти” суммалари шунчалик катта бўлади (“инвестицияларнинг қариши” юз беради, яъни олинган даромадлар шаклида киритилган капитал ҳажми жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмидан ошиб кетади).

Хорижий капитал қўйилмаларнинг яна бир муҳим шакли - портфелли инвестициялар ҳам қабул қилувчи иқтисодиётга зиддиятчи таъсир кўрсатади. Портфелли инвестициялар ишлаб чиқаришни молиялаштириш шакли бўлиб, у ёки бу инвестор фирманинг хусусиятлари ва тармоқ афзалликларини акс эттирмайди. Уларни хорижий компаниялар ва миллий фирмалар амалга ошириши мумкин. Баъзан портфелли инвестициялар миллий фирмаларнинг рақобатбардошлигини оширади, чунки мавжуд ресурслар ҳажмини кўпайтиради.

Венчурли капитал, миллий ва халқаро капитал бозорларидаги дастлабки акциялар, корпоратив облигациялар портфелли киритмалар шакллари сифатида капитал қўйилмаларини бевосита молиялаштиришлари мумкин.

Бошқа шакллар - хорижликлар томонидан ички иккиламчи бозорда қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, ҳукумат облигацияларининг катта қисми ва деривативлар истеъмолининг ўсишини рағбатлантириши мамлакат иқтисодиёти ҳолатига кучли таъсир қилиши мумкин.

Портфелли инвестициялар мамлакат иқтисодиёти ҳолатига активларнинг ўсиши ҳисобига таъсир кўрсатади, бу эса моддий бойликлар истеъмолининг ортишига олиб келади ва капитал эгаларининг уларни

бошқа қимматли қоғозларга ёки активларга инвестициялашга қарор қилгунларигача давом этади.

Резидентлардан портфелли активларни сотиб олиш банкларнинг ликвидлилигини ва кредитлаш ҳажмларининг ортишини рағбатлантиради. Ички қўшиб олишлар сонининг мунтазам ошиб бориши доимо акселератор самараси асосида капитал қўйилмаларнинг ошишига олиб келса, бу ёмон аломат эмас. Лекин шунга қарамай, кредит бўйича информациялар молиявий спекуляция имкониятларини кенгайтирса ёки кучли инфляцион таъйиқ кўрсатса, у ҳолда иқтисодиётнинг пасайиши кузўатилади.

Шунингдек, хорижий портфель инвестициялар миллий бозорнинг ликвидлилигини оширади ва қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Улар молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаши, молиявий воситачиликни кенгайтириши, рискли капитал ҳажмларининг ва янги компаниялар сонининг ортишига олиб келиши мумкин.

Портфель хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи иқтисодиётга салбий таъсирини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Молиялаштиришнинг чиқимлари эришилаётган ютуқларидан юқори бўлиши мумкин. Агар акциядорлик капитали инвестициялар rischi тақсимланишининг бир қисмини ўз ичига олса, облигацияларга сарфланган инвестицияларда риск бўлмайди.

Асосий салбий томони – портфель капитал оқимлари юқори риск таъсирида беқарор тенденцияга эга бўлиши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг объектив асоси жаҳон ҳўжалиги тизимига кировчи мамлакатларнинг нотекис иқтисодий ривожланиши бўлиб, амалиётда у қуйидагича намоён бўлади:

- турли мамлакатларда капитал жамғарилишининг турли суръатларга эга бўлиши;
- алоҳида мамлакатда капиталнинг “ нисбатан ортиқчалиги”;

- жаҳон хўжалигининг турли бўғинларида капиталга талаб ва таклифнинг мутаносиб эмаслиги.

“Нисбатан ортиқчалиги” ибораси, биринчи навбатда, капитални экспорт қилувчи мамлакатлардак кузатилиб, унинг мутлақ ортиқчалиги кузатилмайди, чунки ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан чекланмаган даражада ўсиш тенденциясига эга, деб ҳисобланади, шундай экан, капиталга ҳам доимо талаб бўлиши керак. Бундан ташқари, капитал экспорти мамлакатнинг ўзи учун етарли бўлмаган ҳолда ҳам давом эттирилиши мумкин, чунки бозор иқтисодиёти шароитида капитал киритмалари билан кутилаётган даромадлар миқдорлари ўртасида тўғри боғлиқлик бор.

1.2. Инвестиция сиёсатининг назарий жиҳатлари

Хар бир давлатда, унинг иқтисоди ривожланган ёки иқтисодиёти ўтиш даври хусусиятига эга бўлишидан қатъий назар, мазкур мамлакатга хорижий сармоянинг кириб келиши ҳамиша ижобий ҳодиса сифатида қаралади. Чунки, кириб келаётган сармоянинг кўпайиши тўлов балансини яхшилаш орқали, миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади, ислохотлар ўтказишда зарур маблағлар билан таъминлайди, техник баъзани янгилашга хизмат қилади, янги иш ўринлари яратилади, замонавий иш юритиш услубини тадбиқ этади ва бу билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам хар бир давлат ўзининг инвестицион сиёсатини изчиллик билан олиб бориши ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиши даркордир.

“Инвестиция сиёсати (инглизча– investment policy) – бу ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналишини ҳисобга олишда маблағлардан фойдаланиш бўйича энг кўп иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакатнинг ичида ва чет элларда амалга ошириладиган

капитал қўйилмаларнинг йўналишини ва тўпланишини белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик ечимларини мажмуидир”⁴

Инвестиция сиёсати – инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муамоларни ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай ҳужалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуидир.

Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати – бу ташқи инвестицион оқимларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизимидир.⁵

Инвестиция сиёсати давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг энг муҳим доимий воситаларидан бири ҳисобланади. Бундай сиёсат давлатнинг бутун сиёсий соҳасининг асосий ўзагини ташкил этади ёки, бошқача айтганда, бу бутун давлат сиёсий фаолиятининг негизидир

Мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ошиши, жамики инфратузилманинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицияларга ва инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Инвестиция сиёсати давлатнинг жамиятда моддий неъматларни такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга инвестиция воситаларини сафарбар қилишга доир функциясидир. Давлат сиёсатининг ушбу соҳаси ташкилий-ҳуқуий жиҳатдан олганда, унинг тегишли органларининг бундай сиёсатнинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаш, уни амалга ошириш учун маблағларни қидириб топиш борасидаги фаолиятдан иборат бўлади.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида инвестиция сиёсатининг учта моделини ажратиш мумкин ⁶.

⁴ Рашидов О.Ю. “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш”. – Т.: ТДИУ, 2007 й. 33 бет

⁵ А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов “Ҳорижий инвестициялар”-Т “Молия”, 2010 й. 177-бет.

⁶ Ўша ерда

Биринчи моделни шартли равишда “америка”, иккинчисини – “япон” ва учинчисини – “ тайван” модели деб атаймиз. Келтирилаётган тасниф бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини тизимлаштиришга уринишдир. Мухими, бу моделларнинг барчаси самарали бўлиб, ушбу илғор тажрибадан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида муносиб инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш учун чуқур ўргакниш зарур.

Биринчи моделда асосий эътибор хусусий инвесторлар учун белгиланадиган солиқ имтиёзларига қаратилади. Икинчи моделда хусусий лойиҳаларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши марказий ўринни эгаллайди. Учинчи модел эса давлатмувофиқлаштириш камчиликларини бартараф этиш, хусусий инвесторлар қарорларини мувофиқлаштириш механизмлари яратиш бўйича зарур инфратузилмани яратади ва инсон капиталига сарфланган қўйилмаларни рағбатлантиради. Юқорида қайд этилган инвестиция сиёсати моделлари кенг қўламим дастакларни ўз ичига олади.

Америка моделида давлатнинг инвестиция сиёсатида асосий ўринни солиқ дастаклари эгаллайди. Бундан ташқари, бозор дастаклари ёрдамида нархлар ва фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга йўналтирилган изчил либерал макроиқтисодий сиёсат амалга оширилади. Ушбу тизим доирасида банкларга иккинчи даражали ўрин ажратилган. Инвестиция ресурсларининг самарали тақсимланишини назорат қилишнинг асосий механизми - бу фонд биржасидир. Айнан ривожланган қимматбаҳо қоғозлар бозори ушбу моделни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шarti ҳисобланади. Давлат мувофиқлаштириш муаммосини иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиш прогнозлари тўғрисида сифатли иқтисодий ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш орқали ҳал этишга ҳаракат қилади. Давлат заруриятга қараб инфратузилмани ривожлантиришга инвестициялар йўналтиради. Ушбу инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатлардагина умумиқтисодий стратегиянинг

элементларига айланади (Рузвельтнинг “янги курси”). Модель зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда инвестициявий ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайди.

Япон модели давлат ва хусусий инвесторлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик асосида курилади. Давлат банк соҳасини назорат қилади ва аҳоли жамғармаларини мустақил жалб этади. Ушбу маблағларни корпорацияларга ҳамкорлик ва ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш эвазига имтиёзли шартларда беради. Инфратузилмага сарфланадиган инвестициялар муайян хусусий фирмаларнинг эҳтиёжлари билан бевосита мувофиқлаштириб амалга оширилади. Давлат томонидан ташкил этиладиган маслаҳат кенгашлари мувофиқлаштириш ролини ўз зиммасига олади. Ушбу моделни амалга оширишнинг зарур шarti – кучли хусусий сектор ва самарали аппаратга эга бўлган давлатдир. Ушбу моделнинг афзаллиги катта хажмдаги маблағларни самарали инвестицияларга сафарбар этиш имкониятига эгалиги билан белгиланади. Камчилиги эса инвестицияларни режалаштириш жараёнининг сиёсийлаштирилиши ва асосий пул – кредит индикаторларининг кутилмаган ҳолда ўзгариши, шу жумладан, сиёсий доираларнинг коррупцияланиши билан изоҳланади.

Тайван модели эса япон ва америкача моделларнинг қатор дастакларини ўзида бирлаштиради. Ушбу моделнинг фарқли жиҳати инвестицион қарорларни мувофиқлаштиришнинг хусусий механизмларининг давлат томонидан яратилишидан иборат. Модель экспортга ишлайдиган хусусий фирмаларнинг бозор ва инвестицион лойиҳалар салоҳиятини жуда яхши билишга асосланган. Ушбу хусусий фирмалар атрофида таъминотчилар тармоғи шаклланиб, улар ўз режаларини “бош” компания билан мувофиқлаштириб турадилар. Давлатнинг асосий вазифаси ушбу гуруҳларни фаол қўллаб-қувватлаш, шунингдек, лойиҳавий-консультатив бюролар, техник хизмат кўрсатиш агентликлари ва илмий лабораториялар орқали барча тармоқ

иштирокчиларининг янги юқори технологиялардан фойдаланиши ҳамда уларнинг янги маҳсулот ва инвестициявий режаларни ишлаб чиқишда тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ушбу модель муваффақиятининг асосий бўғини ва гарови экспорт иштирокчиларининг “тест”идан ўтишдан иборат. Ушбу тестдан муваффақиятли ўтиш эса имтиёзли кредитлар олиш учун кенг йўл очади. Шу билан бирга, инвестициявий сиёсатнинг ушбу тури Умумжаҳон савдо ташкилотининг қоидалари нуқтаи назаридан тобора заифлашиб бормоқда.

Ҳозирги инвестиция сиёсати – бу иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини янада замонавийлаштириш, ҳудудларни ва таббӣй ресурсларни ўзлаштириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, фан ва техникани ривожлантириш, экологик муаммоларни ҳал этишнинг асосий воситасидир.

Инвестиция сиёсатининг ташқи жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, у халқ хўжалигининг замонавий техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни ўз ичига олади. Бу вазифани қўшма корхоналарни ташкил қилиш йўли билан, яъни бевосита хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш воситасида ҳал қилиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари ғоят долзарб бўлиб бормоқда.

Очиқ ва либерал инвестиция сиёсати объектив қарашли маъмурият томонидан ижро этиладиган очиқ – равшан, самарали ва қатъий риоя қилинадиган қонунларга эга бўлганида – хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кучли рағбат ҳосил қилади. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республикамизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, шунинг учун Республика инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий баъзасини яратишда “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (1995 йил 5 май), “Инвестиция фаолияти тўғрисида” (1998 йил 12 декабр), “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни

химоя қилиш чоралари тўғрисида” (1998 йил 30 апрел), “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” (2000 йил 30 август) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар ва имтиёзлар тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулоти экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонлар ва Қонунларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу инвестицион иқлимнинг асоси қилиб олинаётган қонун ҳужжатлари орқали давлат хорижий инвесторларга нисбатан:

- умумий рағбатлантириш чоралари;
- хусусийлаштириш жараёнининг тезлаштиришнинг рағбатлантирилиши;
- саноатнинг устувор соҳалари, ёқиги энергетика мажмуини жадал ривожлантиришнинг рағбатлантирилиши ;
- халқ хўжалигининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларини янгилаш ва янгиларини барпо этишнинг рағбатлантирилиши;
- экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг рағбатлантирилиши;
- экспортда машинасозлик-техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар ҳиссаси ва ҳажмини кўпайтиришнинг рағбатлантирилиши каби чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициядарни жалб этиш

жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиёсатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устивор вазифалардан бири деб белгилаб қўйилди ва бу сиёсатни ўзига хос 2 йўналишига таянади:

1. Солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
2. Маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1-босқич: 1991-1994 йиллар, 2-босқич: 1995-2003 йиллар; 3-босқич: 2003-2009 йиллар; 4-босқич (инқирозга қарши чоралар Дастури): 2009-2012 ва 2011-2015 йил Давлат инвестиция Дастури.

1-босқичда қуйидаги чора –тадбирлар амалга оширилди:

- турли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестицион жараён номарказлаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди;

- хусусий молиялаштириш манбаъларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;

- хусусий мулкчилиқни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

2-босқичда қуйидаги чора – тадбирлар амалга оширилди:

- қонунчилик баъзаси яратилди;

- конкурс асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтилди;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш чора – тадбирлари амалга оширила бошланди ;

- иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди;

– инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

3-босқичда қуйидаги чора – тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилмоқда:

– валюта муносабатлари ва операциялари либерализациялаштирилмоқда;

– хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;

– корхоналарнинг техник қуроллантирилиши кучайтирилмоқда;

– экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик берилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008-йилда бошланган глобал молиявий – иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз “мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”⁷, деб белгилаб бердилар.

Президентимиз И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” номли асарларида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурумизнинг энг устувор вазифаларини белгилаб олишда жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга

7 Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурунинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

олиш қанчалик муҳим экани ҳақида тўхталиб ўтдилар

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда юртбошимиз томонидан олиб борилган оқилона, олдиндан пухта ўйланган сиёсат нақадар тўғри эканлиги ўз исботини топмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек “ Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011-йилнинг яқунлари билан ҳақли равишда фахирланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор. Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда”⁸.

“Бугунги кунда мамлакатимизни аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа

⁸ “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 20.01.2012 й.

тахдидлар салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”⁹.

Биринчи боб бўйича хулоса

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириши тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислохотларининг амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Хар бир давлатда, унинг иқтисоди ривожланган ёки иқтисодиёти ўтиш даври хусусиятига эга бўлишидан қатъий назар, мазкур мамлакатга хорижий сармоянинг кириб келиши ҳамisha ижобий ҳодиса сифатида қаралади. Чунки, кириб келаётган сармоянинг кўпайиши тўлов балансини яхшилаш орқали, миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади, ислохотлар ўтказишда зарур маблағлар билан таъминлайди, техник баъзани янгилашга хизмат қиладди, янги иш ўринлари яратилади,

⁹ Каримов И.А “ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. 31 – бет.

замонавий иш юритиш услубини тадбиқ этади ва бу билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ўзининг инвестицион сиёсатини изчиллик билан олиб бориши ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиши даркордир.

Ўзбекистонда Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициядарни жалб этиш жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиёсатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифалардан бири деб белгилаб қўйилди ва бу сиёсатни ўзига хос 2 йўналишига таянади:

- солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
- маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Шундай қилиб, иқтисодий ўсишда оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш етакчи ўрин тутди. Инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қиладиган қатор институтларни ташкил этиш лозим. Жаҳон иқтисодиётида самарали амал қилувчи модель бозор тизимига таянади ва миллий иқтисодиётнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг моҳияти ва босқичлари

Халқаро амалиёт кўрсатишича, иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларга иқтисодиётни ва унинг тармоқларини эркинлаштириш туфайли эришилган. Осиёнинг Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайван сингари янги саноатлашган мамлакатлари экспортни ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган тараққиёт стратегиясига амал қилиб, сезиларли иқтисодий ютуқларни қўлга киритдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу тадбирларнинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди: “Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир”.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган барча мамлакатларда иқтисодий аҳволни яхшилашда кенг қўламли эркинлаштириш ва барқарорлаштириш омиллари муҳим роль ўйнайди. Эркинлаштириш нарх-навонинг эркин белгиланишини, савдонинг давлат томонидан назорат қилиниши тўхтатилишини, янги компанияларни ҳеч бир тўсиқсиз тузиш мумкинлигини тақозо қилади. Барқарорлаштириш инфляциянинг қисқартирилишини, халқ хўжалиги, ташқи иқтисодий соҳалардаги номутаносибликлар бартараф қилинишини кўзда тутди. Ислохотларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу икки омили ўтиш

жараёнининг дастлабки босқичларида амалга оширилиши мумкин ва лозим.¹⁰

Эркинлаштириш натижасида аҳоли ва корхоналар иқтисодий қарор-ечимларни мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, оқибатда марказлашган иқтисоднинг икки асосий муаммоси – бузилган рағбатлантириш тизими ва ахборот тақчиллиги муаммолари бартараф қилинади. Эркинлаштириш корхоналарни истеъмол талабини ҳисобга олишга мажбур қилиб, уларга рақобатли шароитда фойда кўриш имконини беради, нисбий нархларнинг ҳақиқий талаб ва таклиф нисбатига мослигини таъминлайди.

Эркинлаштириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсиш бир-бири билан узвий боғланган. Бу қонуният бозор сари бораётган Осиё мамлакатлари учун ҳам, Европа мамлакатлари учун ҳам бирдек тааллуқли. Барча минтақаларда иқтисодий ўсишнинг сабаблари кўп жиҳатдан янги компанияларнинг очилишига чекловларнинг бекор қилинганлиги, илгари қолоқ ҳисобланган – хизмат кўрсатиш, экспорт ишлаб чиқариши соҳаларининг гуриллаб ривожланганлиги билан ҳам изоҳланади. Нарх-навонинг эркин белгиланиши ва эркин савдо, ёрдам пули (субсидия) ва имтиёзли кредитларнинг қисқартирилиши етакчи тармоқларда иқтисодий ўсишнинг тикланишига ёрдам бериши мумкин, чунки бу ҳол корхоналарни рақобат ва бюджетнинг қатъий чекланганлиги шароитига солиб, уларни ўз иш услубларини ўзгартиришга мажбурлайди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини эркинлаштириш жараёни ташқи иқтисодий омиллардан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳнат ресурслари ҳамма вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига дахлдор бўлиб келган. Чунки,

¹⁰ Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005. 215-216 б.

унинг географик жихатдан савдо-иқтисодий потенциали кўплаб мамлакатларни қизиқтирган.

Давлат мустақиллигига эришгунича Ўзбекистон асосан агротехника хомашёси (пахта, ипак, қорақўл), машинасозлик ва асбобсозлик тармоқлари учун комплектлаш маҳсулотлари, олтин, уран ишлаб чиқарар эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина заводлар Ўзбекистонга эвакуацияси қилиниши туфайли республикада кончилик, самолётсозлик, тракторсозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ, техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбекистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди, республика саноатининг ривожланиши муайян даражада ташқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Унинг иқтисодий ва давлатчилик тараққиётининг биринчи босқичи (1991-1995й.) иқтисодни бошқарадиган ўз инфратузилмасини яратиш ва интенсив равишда жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини, хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўтказиш ва шакллантириш; тараққиёт стратегиясини белгилаш; ички ва ташқи бозорларда умумдавлат манфаатларини таъминлаш; иқтисодий, фан-техникавий, савдо соҳаларини ривожлантиришга боғлиқ эди.

Маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали йўлга қўйиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги барпо этилди. Ҳукуматнинг 1992 йил 26 мартда қабул қилинган қарорига кўра, Вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Ҳозир бу вазирлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги деб аталади ва Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисида намойиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат

манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормаларга, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, бошқа давлатлар билан тузган битимларига ва норматив актларига амал қилади.

Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ташқи савдо алоқалари ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланади. 1995 йилда МДХ давлат орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири Ўзбекистон бўлди.

Олтин қазиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳаларида дастлабки саноат инвестицияларининг лойиҳалари тугалланди; ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан аграр ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

Европа Ҳамжамияти иқтисодий комиссиясининг кўрсатмаларига кўра, миллий маҳсулотнинг салмоғи 1991 йилдагига нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда 82,21%, Россияда 49%, Қозоғистонда 43%, Белоруссияда 41%ни ташкил этди.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998 йй) негизларидан бири - бозор иқтисодиётининг амалда мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, макроиқтисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этишдир.

Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички бозор учун (импорт ўрнига) ва ташқи бозор учун (экспортга) рақобатбардош молларни ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон

иқтисодиётининг қуйидаги асосий тармоқларига кўплаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- кон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва қадокқлаш;
- курилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекоммуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиация ва темир йўл портларини комплекс равишда қайта қуриш сармояларига; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

1996 йилда давлат бюджетининг дефицити ялпи миллий маҳсулотдан келиб чиқиб, 3,5% даражада баҳоланди ҳамда ХВФ экспертлари томонидан назорат қилинадиган кескин даражада ошмади. Ўзбекистон 3 млрд. АҚШ доллари билан баҳоланадиган юқори потенциалли минерал хомашё ресурсларига, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, меҳнат ресурслари ҳамда барча ишлаб чиқариш соҳаларидаги малакали кадрлар ва хизмат кўрсатиш доиралари миқёсида халқаро савдо-сотиқни унумли равишда янада ривожлантириш имкониятларига эга.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналиши ҳисобланган ташқи савдо соҳасида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда содир бўлган ва давом этаётган эркинлаштириш тенденцияларини кўриб чиқсак.

1991 йилда мустақиллик қўлга киритилгандан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан иқтисодий савдо режимини босқичма-босқич эркинлаштириш сиёсати олиб борилмоқда. Ушбу жараёни шартли равишда бир нечта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Собиқ Иттифоқнинг ягона халқ хўжалиги мажмуасининг инқирозга

юз тутиши, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик машинасининг бузилиши натижасида республикада саноат ва бир қатор озиқ-овқат товарлари етишмовчилиги сезилди. Бунинг натижасида импортни рағбатлантириш сиёсати ўтказилди. Ушбу даврда импортга божхона божлари мавжуд эмас, экспортга чиқариладиган лицензияланадиган ва квоталанган товарлар рўйхати 71 позициядан иборат эди. Алоҳида хомашё ресурсларига экспорт божлари қўлланилар эди.

Биринчи бочкичнинг устувор йўналишлари импортнинг ўрнини босувчи сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш бўлган эди. Ушбу босқичда корхоналарнинг иқтисодий бозорга мустақил чиқишининг, хорижий инвесторлар фаолиятининг ишончли кафолатини таъминлашнинг меъёрий ҳуқуқий асоси яратилди.

Иккинчи босқичда (1995-1998 й.) республикада маҳаллий хомашёдан фойдаланувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш сиёсати, бир вақтнинг ўзида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятини яратиш билан бирга олиб борилди.

1995 йилда ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усулларида тариф усулларига ўтиш бошланди ва импортни тариф воситасида тартибга солиш тизими киритилди. 1996 йилда лицензияланувчи ва квоталанувчи товарлар рўйхати 4 та позициягача қисқартирилди. бўлар: пахта, буғдой, рангли металллар ва энергия ташувчилар; экспортга максимал бож ставкаси 40% гача камайтирилди ва учдан бир қисм номдаги ёки гуруҳ товарларига экспорт тарифи бекор қилинди. Экспорт қилиш учун товар ишлаб чиқараётган корхоналарга ахамиятга молик солиқ имтиёзлари берилди.

1997 йилда Ўзбекистондан экспорт қилинадиган асосий товарларга жаҳон нархининг кескин тушиб кетиши натижасида иқтисодий савдо айланмаси миқдори бир қанча кичрайди. Бунинг экспортдан келаётган даромаднинг кўп қисмини йўқотилишига ва тўлов балансининг жорий счёти ҳолатини ёмонлашишига олиб келгани тушунарли бир ҳолдир. Бу

салбий тенденция Жануби-Шарқий Осиёда (1997 йилнинг ўрталарида) ва Россияда (1998 йилнинг августида) бўлиб ўтган молиявий инқироз оқибатида янада ёмонлашди. 1996 йилда пахта толасига жаҳон нархи 16% дан зиёдроқ тушиб кетди, 1997 йилда – 17% дан ортиқроқ, 1998 йилда эса бу кўрсаткич 8,5% дан ортиқроқ бўлди.

Ўзбекистон ташқи савдосининг жаҳон бозорлари конъюнктурасига боғлиқлигининг бундай юқори даражада бўлиши экспортнинг 70% дан ортиқроғи хомашё маҳсулотларига тўғри келганлиги билан тушунтирилади. Ҳисоб-китобларга кўра фақатгина 1998 йилда нефть, пахта ва мисга жаҳон нархларининг тушиб кетиши натижасида мамлакатимиз 170-180 млн. АҚШ доллари атрофидаги маблағни йўқотди.

1997-1998 йилларда ташқи савдони эркинлаштириш сиёсати давом эттирилди. Импорт божининг максимал ставкаси 30% даражасида (автомобиллар бундан мустасно) белгиланди, 65 товарлар гуруҳларига импорт божи жорий этилди (ўртача ставка 28%). Ушбу гуруҳларга киритилмаган товарлар минимал 3% ставка билан божга тортилар эди. Импорт божларининг бундай режимини киритилиши ўтиш даврида ички ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш бўйича ўрта муддатли вазифаларни хал қилар эди. Шунингдек сифатли халқ истеъмоли товарлари, машиналар, ускуналар импортини таъминлаш мақсадида ортиш олди инспекцияси тизими киритилган; хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз валюта маблағлари ҳисобига амалга оширилувчи импорт шартномаларини рўйхатга олиш бекор қилинган эди.

Учинчи босқич 1999 йилда, экспортни ҳар томонлама рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсат фаоллашган ва республика иқтисодий савдосида яна ижобий тенденциялар кузатилган ва ўсган пайтда бошланди.

1999-2001 йилларда республикада товарларни тасвирлаш ва кодлашнинг халқаро уйғунлаштирилган тизими (1996 йил версияси)га асосланган Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси

амалга тадбиқ этилди; республика божхона худудига олиб кирилувчи бир катор озиқ-овқат товарларига, жумладан, қорамол, парранда, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, чой ва чой хомашёси, буғдой, фармацевтика товарлари, тери хомашёси, тери ва ҳ.к.ларга импорт божлари олиб ташланди. Ноль ставка билан божга тортилувчи товар позициялари сони 73 дан 497 га ўсди.

Божхона тарифларидан божларнинг қуйидаги ставкалари олиб ташланди: божхона қийматидан 3; 5; 15; 40; 45; 50 ва 60 фоиз. 30% ставка бўйича божга тортилувчи позициялар сони 302 дан 241 гача қисқартирилди. Қабул қилинган бож ставкалари республика ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битимларга асосан 38 та мамлакатга тақдим этувчи имтиёзли режимга мувофиқ келади. Қолган мамлакатларга нисбатан эса тариф ставкалари икки марта кўпаяди.

2.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг мустақил равишда ривожланишини таъминлаш мақсадида, республика Ҳукумати томонидан ҳозирги босқичда бир вақтнинг ўзида давлат назорати тизимини тартибга солиш билан бирга, ташқи иқтисодий фаолиятни мунтазам равишда эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий сиёсат республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини янада яхшилашга, қулай инвестиция муҳитини яратишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун республикамизда зарур шарт-шароитлар ва негизлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб ҳаракатчан ва мослашувчан бўлиши лозим.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш деганда, энг аввало, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий

мустақиллигининг оширилиши, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг муайян даражада қисқариши, мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг бартараф этилиши тушунилади. Бу муқаррар равишда ички иқтисодий муносабатлар эркинлашувининг мантиқий натижаларидир. Самарали бозор механизми фақат жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Шунингдек, бунда энг муҳими - турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шакллариининг муайян даражада ўхшашлигидир. Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради. Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари – хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига (ташқи иқтисодий операциялар марказлашувига) барҳам бериш, импорт қилиш жараёнидаги ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортнинг ривожланишини фаоллаштириш (божлар, лицензиялар, квоталар ва имтиёзларни қисқартириш орқали), миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар, жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, тўлиқ ҳолда ҳатто ривожланган бозор иқтисодиётида қўлланилмаса ҳам, амалдаги бозор механизмларини кучайтиради. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда давлат маълум чекланишларни ўрнатади, божхона тарифларидан кенг фойдаланади, турли хил тақиқларни жорий этади ва ҳоказо. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш бозор шароитларига ҳали тўлиқ мослашмаган ўтиш даври иқтисодиётида давлатнинг роли янада муҳимдир.

Шунинг учун ўтиш даври иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмаган ҳолда мамлакатда бозор муносабатларининг жадал ривожланишини ва унинг жаҳон ҳўжалигига уйғун ҳолда қўшилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Ўзбекистон учун инвестиция сиёсатини ислоҳ қилиш ва чет эл инвестицияларини рағбатлантириш жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, балки бошланган иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши ташқи савдони ривожлантириш ва ўз навбатида миллий рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Фикримизча, миллий рақобатбардошлик бир қатор омилларга – жами иқтисодий салоҳият, сармояларни жалб қилиш, бошқарув даражаси, молиявий бозор ҳолати ва молиявий хизматлар сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш салоҳиятининг сифати, рақобат муҳитини вужудга келтиришга давлатнинг таъсири ва бошқа омилларга боғлиқ.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати иқтисодиётни саноатлаштириш сиёсати билан узвий боғлиқ. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда ташқи омилнинг ўз ўрни бор. Шу сабабли узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкаларига эга чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

Ташқаридан кираётган инвестициялар кўмагида иқтисодиётнинг муҳим соҳалари кенгайтирилмоқда. Хориждан кириб келаётган инвестициялар хажмининг йилдан-йилга барқарор ўсиши эса саноат соҳасида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш имконини бермоқда. Инвестициялар хажмининг йилдан-йилга кўпайиши эса ўз навбатида экспорт имкониятларимизни янада кенгайтиради.

Охирги йилларда ишлаб чиқаришнинг технологик омилларига анча кенг кириб бориш зарурати кўпгина ривожланаётган давлатлар учун

долзарб масала ҳисобланмоқда. Бу билан уларнинг халқаро иқтисодий муносабатларидаги силжишлари, шакл ва механизмдаги эволюцияси муҳим бўлиб бормоқда.

Ривожланаётган давлатлар саноатлашиш жараёнини янада жадаллаштириш учун хорижий инвестицияларни киритишни рағбатлантириб, уларни бутун иқтисодиётга динамизм бериш учун фаол равишда жалб этмоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатларда инвестиция муҳити янада яхшиланмоқда.

Зарур инфратузилма яратиш, хорижий тадбиркорлик капитали учун алоҳида имтиёзли шартлар билан махсус иқтисодий зоналар ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирги кунда хусусий капитал қўйилмаларининг энг кўп ҳажми ўртача даромадга эга 12 та давлатга тўғри келади.

Капитал қўйиш бўйича Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия жозибадор мамлакатлар ҳисобланади. Ривожланаётган давлатларнинг хориж капитали истеъмолидаги умумий ҳажми 1996-2005 йилларда 1,5-2 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Албатта, қоидага кўра, бундай хусусий капитал барқарор ва динамик иқтисодиётга эга давлатларга киритилади.

Хусусий инвестицияларнинг 80 фоизи ривожланаётган давлатларнинг 20 фоизигагина қўйилади. Бундай давлатлар асосан, Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси давлатлари ҳисобланади. Қолоқ иқтисодиётли, кам ривожланган давлатлар, айниқса, сиёсий нобарқарор вазиятга эга давлатлар саноати ривожланган давлатларнинг тадбиркорларини деярли ўзига тотмайди. Бу эса, мазкур давлатларда саноатлашиш жараёнини янада оғирлаштиради.

Замонавий жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган давлатларда саноатлашиш жараёнининг жадаллашувида трансмиллий корпорациялар ўрни ҳам алоҳида, бу корпорациялар ривожланаётган мамлакатларни ўз манфаатлари ҳудуди деб ҳисоблаб, уларга иқтисодий ва техник томондан

ташкиллаштириш фойдали бўлган ишлаб чиқаришларни жойлаштирадilar.


Ривожланаётган давлатлар ва ТМКлар орасидаги муносабатларни яхшилаш XX асрнинг 80-йилларида бошланган. Бунга ривожланаётган давлатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги конуннинг ўзгариши ижобий таъсир кўрсатган.

ТМКлар мамлакат ривожланишига, унинг саноатига етакчи ишлаб чиқариш технологияларини ўтказиш ва инновацион жараёнларни тезлаштириш билан ўз ҳиссасини қўшади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланаётган бир қатор мамлакатларда саноатлашиш жараёни жадаллашувида, ишлаб чиқариш суръатини оширишда ташқи иқтисодий алоқаларни, чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш муҳим роль ўйнайди. Бу жараён уларга диверсификацияланган миллий иқтисодиётни яратишга ва бир қанча муҳим товарлар бўйича жаҳон ишлаб чиқаришида сезиларли ўрин эгаллашга имкон беради.

Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иқтисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар комплексини шакллантиришдан иборат. Стратегик йўналиш саноатнинг экспортга йўналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортда хом ашёга нисбатан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда инвестиция дастури ва маҳаллийлаштириш дастурининг фаол ва изчил ўтказилиши натижасида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсмоқда, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 6,3 фоизни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш динамикаси

Саноатнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилган бўлиб, улар саноат тармоқларидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ва таркибий силжишлар билан биргаликда башорат қилинади.

2012 йилда саноат тармоқларининг ривожлантирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйида келтирилган қарорларининг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 1442-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1623-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги 1668-сонли қарори;

- 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация курилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури ва бошқалар.

2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурга кўра, саноат тармоқларини жадал ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушини 2012 йилга қадар 28 фоизга ўстириш, якуний тайёр маҳсулотларнинг саноат маҳсулоти умумий ҳажмидаги улушини 61,2 фоизга, саноат маҳсулоти экспортининг мамлакат экспортидаги улушини эса 71,8 фоизга, экспорт қилинаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг жами саноат маҳсулотидаги улушини эса 63,2 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу параметрларга эришиш учун 2011-2015 йиллар давомида 25,67 миллиард АҚШ долларида кўпроқ инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Капитал қуйилмалар ҳажмининг 109,3 фоизга ўсиши иқтисодий ўсишнинг 2012 йил ва ундан кейинги йилларда ҳам барқарор юқори бўлиши омили бўлади. 2012 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 24,5 фоизга етиши мўлжалланмоқда.

Капитал қуйилмалар ҳажмининг ошиши иқтисодиётни ривожлантириш бўйича дастурларни бажариш, янги қувватларни барпо қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуrolлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Макроиқтисодий барқарорлик, инвесторлар учун яратилган қулай муҳит хорижий инвестор ва кредиторларнинг мамлакатимизга қизиқиши ва ишончи ортишига сабаб бўлаётгани Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.¹¹

¹¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.



2-расм. 2012-йилда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш омилилари

Мамлакатимиз иқтисодиётига 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 16 фозга кўп, яъни 3,3 миллиард доллардан ошиқроқ хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилади.

Бу маблағларнинг 70 фоиздан кўпроқ қисми, яъни 2,3 миллиард ортиғи ҳукумат кафолати олинмасдан кирилаётган тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Маълумки, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётга солиқ юкининг камайтирилиши ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ҳам катор божхона имтиёзлари белгиланиши кўзда тутилган. Хусусан, тармоқ йўналишларига кўра, кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган:

- 2014 йилнинг 1 январигача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Келтириб ўтилган ушбу устувор йўналишларни амалга ошириш инвестиция сиёсати орқали саноатда институционал сиёсатни тезлаштиришни, корхоналарни реконструкция қилишга ёрдам беришни, бозор иқтисодиёти шароитида самарали ишлаш учун ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришни ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.


2.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида инвестиция сиёсати натижалари таҳлили

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда

кўшма корхоналар ташкил қилиш асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Оқилона инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Инвестиция сиёсати миллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолиятини юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиши керак. Бунда корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ҳамда республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ислохотларнинг дастлабки босқичида иқтисодиётга чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган эди. Шу мақсадда Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарорлаштириш имконини берди.

Хусусан, 2012 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати амалда 8,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2000-2012-йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди (3-расм).



3-расм. ЯИМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан % да)¹²

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Расмдан кўриниб турибдики, реал ЯИМнинг ўсиш даражаси охиригигача 7 йил мобайнида 7 фоиздан юқори бўлиб келмоқда, жумладан 2005 йилда – 7 фоизни, 2006 йилда - 7,3 фоизни, 2007 йилда - 9,5 фоиз, 2008 йилда – 9 фоиз, 2009 йилда – 8,1 фоиз, 2010 йилда – 8,5 фоиз, 2011 йилда 8,3 фоиз, 2012 йилда эса 8,2 фоизни ташкил этди.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Сўнгги йилларда фаолият кўрсататаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.¹³

2-жадвал. 2012 йил давомида республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар

Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори (млн.долл):	3718,65
I. Давлат инвестиция дастури доирасида жами	3277,55
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;	2526,56
- Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар.	750,99
II. Худудий инвестиция дастури доирасида: (<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>)	441,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

¹³ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта куроллантириш дастурини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш суръатлари

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823,9	96,5
2002	516,5	80,1
2003	602,1	166,7
2004	754,6	333,8
2005	746,6	545,5
2006	895,7	683,8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9
2011	2900	2285,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу

кўрсаткич бошқа йилларга қараганда анча юқорилигини кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

**4-жадвал. 2005-2012 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши
(фоизда)**

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2012 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 25,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 42,6 фоизни ташкил этган. Инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2012 йилда 4,5 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса аксинча 19,2 фоиздан 25,5 фоизга қадар кўтарилган. Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб- ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.

Республикаимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги йиллардаги ўсиш суръатлари турлича бўлиб, бунда олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари кузатилмоқда (4-расм).

4-расм

2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда¹⁴



Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

2012 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2012

фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган эди (5-жадвал).


**5-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги
инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг
асосий параметрлари**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2012 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i>	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан:</i>	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), <i>шундан:</i> <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, <i>шу жумладан:</i> <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.

Олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2012 йилда 2006 йилга караганда тўрт баробарга кўпайган. 2012 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 79 фоиздан ортиғини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан

мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.



5-расм. 2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар таркиби, млн АҚШ долл.¹⁵

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга қўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш¹⁶. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁶ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”¹⁷.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади ¹⁸.

2012 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 441,1 миллион долларни ташкил этган. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳудудий тақсимотини кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилояти етакчилик қилиб келмоқда (6-расм).

¹⁷ Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

¹⁸ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.



**6-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида
тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ¹⁹**

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миқдори 441,1 млн АҚШ долларини ташкил этиб, уларнинг 22,3 % (98,5 млн АҚШ долл) Буюк Британияга, 15,4 % - Хитойга (68,1 млн АҚШ долл) тўғри келади (7-расм).

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ тақсимотида энгил sanoat, хизматлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, металлни қайта ишлаш тармоқлари етакчилик қилиб келмоқда (8-расм).

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



7-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни географик таркиби ²⁰



8-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ таркиби ²¹

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Масалан, 2012 йилда Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган энг кўп тўғридан тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги тармоқларга киритилган:

- енгил саноат тармоғига умумий ўзлаштирилган инвестицияларнинг 18,9 % (83,3 млн долл.);
- хизматлар соҳасига – 15 % (217,51 млн. долл.);
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига – 14,4 % (44,85 млн. долл.);
- кимё ва нефть-кимё тармоғига – 11,7 % (44,85 млн. долл.);
- озиқ-овқат саноатига – 10,0 % (44,85 млн. долл.);
- металлни қайта ишлаш тармоғига – 2,96 % (44,85 млн. долл.).

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жами 474 та хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги анъанавий равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилоятига тўғри келади (6-жадвал).

**6-жадвал. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида
хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар**

Ҳудудлар номи	Лойиҳалар сони (дона)	Жалб қилинган хорижий инвестициялар (млн.долл)
Республика бўйича	474	441,1
Тошкент шаҳри	221	183,1
Тошкент вилояти	64	75,5
Фарғона вилояти	35	31,0
Қашқадарё вилояти	10	25,9
Андижон вилояти	27	24,9
Сирдарё вилояти	13	23,7
Самарқанд вилояти	24	15,8
Сурхондарё вилояти	13	13,8
Наманган вилояти	14	12,5
Қорақалпоғистон Рес.	12	10,2
Хоразм вилояти	6	8,9
Навоий вилояти	11	7,1
Бухоро вилояти	12	4,8
Жиззах вилояти	12	4,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Юқоридаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганлигидан, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганлигидан дарак беради.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларга иқтисодиётни ва унинг тармоқларини эркинлаштириш туфайли эришилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради. Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари – хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига (ташқи иқтисодий операциялар марказлашувига) барҳам бериш, импорт қилиш жараёнидаги ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортнинг ривожланишини фаоллаштириш (божлар, лицензиялар, квоталар ва имтиёзларни қисқартириш орқали), миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Ривожланаётган давлатлар саноатлашиш жараёнини янада жадаллаштириш учун хорижий инвестицияларни киритишни рағбатлантириб, уларни бутун иқтисодиётга динамизм бериш учун фаол равишда жалб этмоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатларда инвестиция муҳити янада яхшиланмоқда. Зарур инфратузилма яратиш, хорижий тадбиркорлик капитали учун алоҳида имтиёзли шартлар билан махсус иқтисодий зоналар ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатини такомиллаштириш йўллари

Барчамизга маълумки, ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Узбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир²². Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда, айниқса, қуйидаги асосий омилларни ҳам қайд этиш ўринлидир:

1. Сиёсий барқарорлик. Давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намоиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги.

2. Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб

²² Ислон Каримов, 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. Т.: «O'zbekiston" НМИУ, 2012., 11-бет.

бораётгани. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда „Ўзбек модели“ сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади²³. Айтилган пайтда жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига катта талафотлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

3. Географик ва геосиёсий жойлашуви. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир²⁴.

4. Ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги. Мамлакатимизда транспорт инфра-тузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш темир йўллар, автомобиль йўллари ҳамда ҳаво йўллари яхши ривожланган. Темир йўлларимизнинг узунлиги 6,5 минг километр, автомобиль йўлларимизнинг узунлиги 43,5 минг километрга тенг. Миллий

²³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган Прогнозлари: статистик тўплам. Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011. — 13-б.

²⁴ Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. Т.: Иқтисодиёт, 2009. — 93-С.

авиакомпаниямиз томонидан мунтазам равишда дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳарларига тўтридан-тўғри рейслар амалга оширилади, шунингдек, жаҳоннинг 24 та давлатида унинг 43 дан ортиқ ваколат-хонаси бор. Республикамизда йилига 48 миллиард киловатт соат электр энергияси ва 10 миллион килокалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Бу нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таъминлаш, балки хорижга экспорт қилишимиз учун ҳам имкон яратади.

5. Қулай солиқ ва божхона сиёсати. Ўзбекистон иқтисодийётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

6. Юксак салоҳиятга эга ишчи кучининг мавжудлиги. Ўзбекистон юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрларга эга бўлиб, юртимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисоб-ланади. Шу маънода, юртимизда аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа инсонни қамол топтириш, унинг

.оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, „Концессиялар тўғрисида“ги, „Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида“ги, „Чет эл инвестициялари тўғрисида“ги, „Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида“ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; „Инвестиция фаолияти тўғрисида“ги, „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“ги қонунлар айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир²⁵.

Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра „Катта иқтисодий, минерал хом ашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига

²⁵ Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010. - 86-б.

жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига кафолат бўлади"²⁶.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Инвестиция бозорини шакллантириш инвестиция ресурсларини тўплаш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар хорижий қўйилмаларни жалб этиш мақсадида имтиёзли шароитларни яратади, хусусан капитални сақлаш ва зарарларни қоплашни кафолатлайди, имтиёзли солиқ олишни киритади ва фойдани хорижга эркин ўтказишга руҳсат беради, олинган даромадлар бошқаларни қайта инвестициялашга шароитлар яратади.

Ўзбекистон ҳам хорижий маблағларни жалб қилишдан манфаатдордир. Ҳозирги вақтда улар асосан халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари кредити тарзида келмоқда. Шу билан бирга республика хорижий инвестицияларга эҳтиёж сезади, чунки кредитдан фарқли равишда инвестициялар қарздор қилиб қўймайди, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга, илмий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бевосита ёрдам беради.

Бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, нисбатан ривожланган инфраструктура ва асосийси барқарор сиёсий вазият хорижий инвестициялар учун республикани қизиқарли қилиб қўяди.

Шундай қилиб, чет эл қўйилмаларининг мамлакатга олиб келиниши ва ўзлаштирилишини таъминлаш учун зарур бўлган асослар яратилди. Шу билан бирга, тодбиркорлик капитали олиб келинишини кечиктирувчи бир қатор объектив ҳолатлар мавжуд. Бу аввало иқтисодиётнинг хусусий бўғини ва умуман бозор муносабатларининг ривожланмаганлиги, миллий

²⁶ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19-6.

валютанинг паст конвертирланганлиги халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича малакали ходимларнинг ва республика имкониятлари ҳамда унинг шериклари ҳақида ахборотларнинг етишмаслигидир.

Хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муаммоларини қуйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва уларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– Чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизга жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

– Хорижий инвестицияларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда оғишмай бажарилиши;

– Солиқ қонунчилиги, солиққа тортиш ва божхона йиғимлари тизимини такомиллаштириш масаласи;

– Адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шароит-шароитларнинг яратилиши;

– Инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлаш;

– Миллий валютамыз сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва мустақиллигини таъминлаш;

– Инвестицион лойиҳаларнинг ҳужжатларини тайёрловчи маслаҳат – инжинеринг компаниялари сонини кўпайтириш;

– Республика сиёсий ҳаётига бўлган ташқи таҳдид;

– Реклама- ахборот таъминотидаги тақчиллик;

– Телекоммуникация ва алоқа тармоқларининг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги;

– Маҳсулот бозори, хом ашё материалларига бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги;

– Аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасининг пастлиги, хорижий инвесторарга бўлган муносабатнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;

–Баъзи хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ва хокозолар.

Инвестиция молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция ҳажмини ўстириш учун изланишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслар ва муддатларни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

2. Инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизмини танлаш;

3. Ўз ресурсларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш;

4. Хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини минтақа иқтисодиётига жалб этиш;

5. Капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишдир.

Деярли барча мамлакатларда ресурслар билан таъминланишда, даромадларда ва ўсиш суръатларида ҳудудлар ўртасида узоқ вақт мобайнида сақланиб қолувчи тафовутлар мавжуд бўлади. Айрим ҳудудларда нисбатан орқада қолиш кўрсаткичи анча юқори.

Дастлабки шарт-шароит ҳудуд иқтисодиёти тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Айрим ҳудудларнинг қоқлиги қатор омилларнинг ўзаро таъсирига, хусусан инвестицияларнинг паст даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ана шундай қоқ туманларнинг инфратузилмасига хорижий инвестицияларни сарфлаш тенгликни тиклаш, кам таъминланган оилаларни қашшоқлик жаридан чиқариб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳудудларда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнининг энг асосий қисмларидан бири ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлиши керак. Ана шундай янги шакллардан фойдаланишда бўлғуси

инвесторларнинг ҳудудий манфаатларини кўп даражада эътиборга олиш керак.

Инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш лозим. Эркин иқтисодий ҳудуд – мамлакат ичидаги махсус ҳудуд бўлиб, унда чет эл сармоясини фаол жалб этиш асосида факат экспорт товар ва хизмат ишлаб чиқариш учун юқори самарали зарур барча шарт-шароитлар яратилган.

Жаҳон ҳўжалигида эркин ҳудудларнинг ҳозирги тарқалиш кўламида солиқ имтиёзлари жорий сармоянинг ҳудудга оқиб кириши учун асосий рағбат омил бўла олмайди. Бугунги кунда сармояни жалб қилиш учун сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфратузилма сифати, ишчи кучининг малакаси, маъмурий тадбирларнинг соддалашиши каби омиллар, шунингдек ички бозорда нисбатан арзон кредитлар олиш имконияти муҳимроқдир. Шу билан бирга барча саналган устиворликлар мазкур ҳудуднинг типик хусусиятларини олдиндан белгиловчи баъзавий преференциялар билан билан уйғунлашгандагина “ишга тушади”.

“Бож тарифи тўғрисида”ги ва Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож олинмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 декабрдаги “Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги қарори билан бу жараён янада тартибга солинди. Унда хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши ҳамда хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк божхона божи солишдан озод этилиши бўйича имтиёзлар хорижий инвестициялар

иштирокидаги корхоналарга ҳам жорий этилганлиги белгиланган.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса хусусий компания чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди.

Бу эса ҳукумат зиммасига хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди.

3.2. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг стратегик йўналишлари

Инвестицияларни жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастури, янги бозорларни эгаллашни кўшимча маблағлар қуйилмаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу шароитда инвестицияларни молиялаштириш ва ташкил этиш катта роль ўйнайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг самараси бугун иқтисодиётнинг эркинлашуви, ҳамда инвестиция муҳитининг яхшиланишида ўз аксини топиб, бу хорижий инвестицияларнинг тобора кўпроқ жалб этилишига олиб келмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий омиллари очиқ эшиклар сиёсати, қулай инвестиция муҳити, имтиёз ва афзалликлар тизимидир.

Инвестиция муҳитига ижобий таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик.
- Инвестициялар ҳуқуқларининг кафолатлари.
- Халқаро стандартларга жавоб берадиган молия ҳисоб тизими.
- Ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилмаларнинг мавжудлиги.

- Хом – ашё базаси ва ундан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

- Малакали ишчи кучининг мавжудлиги.

- Истеъмол бозорларига нисбатан қулай географик жойлашув ва оптимал транспорт каридорларининг мавжудлиги.

- Инвестицияларга бериладиган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёз ва афзалликлар.

Инвестиция муҳитига салбий таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Инвестициялар учун яратилган имтиёз ва афзалликлардан фойдаланишдаги тўсиқлар;

- Солиқ, божхона, банк соҳасидаги, шунингдек инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ муаммолар ва тўсиқлар;

- Тадбиркорлик субъектлари молия – хўжалик фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширувчиларнинг қўплиги.

- Мавжуд инфратузилмалардан фойдаланишдаги муаммолар (электроэнергия, газ, сув, иссиқлик манбаи, канализация ва бошқалар).

- Худудлардаги айрим инвесторларга яратилган шароитлар ва уларга бўлган муносабат.

- Маҳаллий ҳокимликлар томонидан у ёки бу масалани ҳал этишдаги қарорларнинг тезкорлик билан қабул қилинмаслиги, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлигидир.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, бу фаолиятни амалга ошириш сиёсатига асосланади.

Республикага хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- 1) Хорижий инвестициялар жалб қилишнинг тармоқ йўналишларини белгилаш;

- 2) Хорижий инвестицияларни жалб қилишда худудлар йўналишини белгилаш.

Яъни хорижий инвестициялар тармоқ концентрацияси (марказлашуви) ёки диверсификацияси мақсадлилигини кўриб чиқилади. Бунда ҳудуд йўналишларини ишлаб ишлаб чиқишда, мамлакат ҳудудлари бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳамда корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва модернизациялаш Миллий Дастури ва бошқа тадбирларни амалга ошириш дастурлари ишлаб чиқилган ва улар қуйидагиларга йўналтирилган:

- Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш орқали импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш;

- Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали иқтисодиёт тармоқларида фан-техника тараққиётини ривожлантириш, маълумот билан таъминлаш, илғор технология, оргтехника ва алоқа воситаларини сотиб олиш ва амалиётга киритиш, лойҳавий қарорларни мукаммаллаштириш;

- Вилоятлараро хорижий инвестиция диверсификациясини такомиллаштириш.

- Демак, юқорида айтиб ўтилганидек, олиб борилаётган ислохотларнинг институционал асоси - хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларини оширишдан иборат.

Хорижий инвестициялар халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодига жалб этилган тақдирда бу тармоқлар босқичма-босқич ривожланади. Бундан катор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самарага эришилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- Биринчидан, ишсизлик камаяди;
- Иккинчидан, товар ва хизматларнинг асосий ўлчов мезони бўлган сифат яхшиланади;

- Учинчидан, мамлакатга импорт қилиниши лозим бўлган товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Натижада, валюта захиралари тежалиши билан бирга, валюта даромадлари кўпаяди;

- Тўртинчидан, давлатлараро иқтисодий яқинлашув, сиёсий музокаралар орқали стратегик ҳамкорлик қилишга туб асослар яратилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантириш асосан, икки мезон бўйича ташкил қилинади:

- Устувор тармоқларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

- Меҳнат ресурслари кўп ҳудудларда қўшимча иш жойлари ташкил қилиш.

Шу мезонлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни имтиёзлар орқали қуйидаги юқори кўшилган қийматли иқтисодиёт тармоқларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун юналтириш кўзда тутилган.²⁷

- Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш;

- Енгил саноат: тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш; тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш; терини қайта ишлаш; пойабзал буюмлари ишлаб чиқариш;

- Ипакчилик саноати: шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

- Қурилиш материаллари саноати: қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш;

- Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш;

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 15-16-сон, 109-модда.

- Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно);

- Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариеғ ишлаб чиқариш;

- Кимё-фармацевтика саноати; дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш; синтетик кир ювиш воситалари, маиший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

Ушбу тармоқлардаги корхоналарни Республиканинг ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш кўзда тутилган.

Бу борада, ҳукумат томонидан яна валюта бозорининг ҳуқуқий ва институционал муҳитини (миллий валютанинг жорий ҳисоблар бўйича конвертациясини) яхшилаш, хом ашё заҳираларига эгалик қилишни таъминлаш (чегараланган тақсимот тизимини ликвидация қилиш), инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя билан таъминлаш чора-тадбирлари қабул қилинган.

Шундай қилиб, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини шаклланишида муҳим қадам амалга оширилди. Энди уни такомиллаштириш ва мукаммаллаштириш учун хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш ва миллий стратегияни шакллантиришда мамлакат имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур.

3.3 Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва

модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охирги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодий модернизаация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва

диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургиль кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи

ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини куриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс куриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банклари, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистралли участкаларини куриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2012 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари: 2012 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялартомонидан жами 7,5 минг тонна сифимга эга бўлган 3 та совутиш камерсини барпо этиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

Учинчи боб бўйича хулоса

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2011 йилда 2006 йилга қараганда қарийб тўрт баробарга кўпайган. Бу, энг аввало, Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри на аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати – инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора тадбирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи

тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

- мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кўпгина Осиё мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларга иқтисодиётни ва унинг тармоқларини эркинлаштириш туфайли эришилган. Ушбу мамлакатлар экспортни ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган тараққиёт стратегиясига амал қилиб, кейинги 40 йил ичида сезиларли иқтисодий ютуқларни қўлга киритди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу тадбирларнинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди: “Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир”.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган барча мамлакатларда иқтисодий аҳволни яхшилашда кенг қўламли эркинлаштириш ва барқарорлаштириш омиллари муҳим роль ўйнайди. Эркинлаштириш нарх-навонинг эркин белгиланишини, савдонинг давлат томонидан назорат қилиниши тўхтатилишини, янги компанияларни ҳеч бир тўсиқсиз тузиш мумкинлигини тақозо қилади. Барқарорлаштириш инфляциянинг қисқартирилишини, халқ хўжалиги, ташқи иқтисодий соҳалардаги номутаносибликлар бартараф қилинишини кўзда тутди. Ислохотларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу икки омили ўтиш жараёнининг дастлабки босқичларида амалга оширилиши мумкин ва лозим.

Эркинлаштириш натижасида аҳоли ва корхоналар иқтисодий қарор-ечимларни мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, оқибатда марказлашган иқтисоднинг икки асосий муаммоси – бузилган рағбатлантириш тизими ва ахборот тақчиллиги муаммолари бартараф

килинади. Экринлаштириш корхоналарни истеъмол талабини ҳисобга олишга мажбур қилиб, уларга рақобатли шароитда фойда кўриш имконини беради, нисбий нархларнинг ҳақиқий талаб ва таклиф нисбатига мослигини таъминлайди.

Эркинлаштириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсиш бир-бири билан узвий боғланган. Бу қонуният бозор сари бораётган Осиё мамлакатлари учун ҳам, Европа мамлакатлари учун ҳам тааллуқли. Барча минтакаларда иқтисодий ўсишнинг сабаблари кўп жиҳатдан янги компанияларнинг очилишига чекловларнинг бекор қилинганлиги, илгари қолоқ ҳисобланган – хизмат кўрсатиш, экспорт ишлаб чиқариши соҳаларининг гуриллаб ривожланганлиги билан ҳам изоҳланади. Нарх-навонинг эркин белгиланиши ва эркин савдо, ёрдам пули (субсидия) ва имтиёзли кредитларнинг қисқартирилиши етакчи тармоқларда иқтисодий ўсишнинг тикланишига ёрдам бериши мумкин, чунки бу ҳол корхоналарни рақобат ва бюджетнинг қатъий чекланганлиги шароитига солиб, уларни ўз иш услубларини ўзгартиришга мажбурлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг, жумладан, чет эл инвестицияларининг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан, дунёдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, уни чет эл инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хорижий инвестициялар ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлсада шу билан бирга уларнинг самарадорлиги жиддий муаммолар билан боғлиқ. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида инфляция даражасининг катта бўлиши туфайли

капитал асосан савдо соҳасида иштирок этди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ҳокимият томонидан кескин чоралар кўришни талаб этади.

Умуман, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) ва юқори технологияларни, бошқарув кўникмаларини жалб қилиш миллий фирмаларнинг ишлаб чиқариш усулларига муайян ўзгаришларни олиб киради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан ТТХИ оқимини рағбатлантириш керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистон учун янги тармоқларни қарор топтирган бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бироқ, узоқ муддатли истиқболлар имкониятлари ҳали тугаганича йўқ. Иқтисодиётни комплекс тарзда таркибан қайта қуришга қаратилган муҳим инвестиция дастурларини амалга ошириш давом этмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти – импорт ўрнини босадиган ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган, юқори даражада қайта ишланадиган ва пировард истеъмолчига тайёр ҳолатга етказиб бериладиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини локаллаштиришга қодир бўлган амалда тайёр технологик занжирларни нисбатан қисқа вақт ичида барпо этишдир.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинган инвестиция дастурларига мувофиқ фармацевтика, текстил, кимё, нефт ва газ соҳаларида янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни

яратишга қаратилган йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, инвесторларни ахборот билан таъминловчи ягона тизим барпо этиш билан боғлиқ, ишларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларни амалга ошириш механизмлари янада такомиллаштирилиши анча катта аҳамиятга эга. Инвесторлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар қандай бораётгани ва унинг йўналишлари, жамиятимиз тараққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек йўриқнома ҳамда ахборот-билдирув тусидаги материаллар тўғрисида тўлиқ ва оператив маълумотларга мухтож бўлиб турибдилар.

Шу муносабат билан республикада ҳисоб юритиш ва ҳисобот тизими самарадорлиги оширилиши зарурлигига эътиборни қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Статистика ҳисоботлари кечикиши, кўп ҳолларда эса эълон қилинмаслиги натижасида маълумотларни таққослашнинг иложи йўқ. Бу эса, хорижий инвесторлар қарор қабул қилишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Моҳиятан хорижий сармоялар шахсий миллий сармоявий қийматини бошқасиникига алмаштиради. Хавфсизлик, даромадлилик, ликвидлилик ва капитализация билан бирга хорижий сармояларнинг ажралиб турувчи томони хорижий сармоядорлар томонидан аниқ мақсадларни кўзлаш ҳисобланади. Уларнинг жалб қилувчи иқтисоди ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилишади. Бу мақсадлар:

- самарадорлик;
- ишлаб чиқариш ўсиши;
- бозорга кириш;
- иқтисодий характерда бўлмаган вазифалар.

Шунинг учун ўзаро манфаатларнинг мос тушиши, ишончли муносабатлар амалга ошириш шартларини ҳисобга олишнинг барчаси сармояларни мамлакат ичида жойлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

ҳисобланади. Хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга киритиш бир томондан ишлаб чиқариш интенсификациясига туртки бўлади, алоҳида тармоқлар ривожланишини рағбатлантиради. Хорижий инвестициялар жалб этилиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи юқорида айтилган ва бошқа муаммолар ҳал этилса, шак шубҳасиз, миллий иқтисодиёт ўсиши ҳамда у жаҳон хўжалигига силлиқ кириб бориши учун қўшимча рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш имконияти яратилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қуйидагилардан иборат деб ўйлаймиз:

- Мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда това экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш асосида халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- Чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур;

- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;

- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;

- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;

- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;

- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг баъзавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акциянерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш.

Бозор муносабатларини ривожлантириш ва қонунларга риоя қилиш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки, қонун устунлиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар моделининг етакчи тамойили бўлиб, у ҳар қадай ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан биридир.

Бундан ташқари, стратегик тармоқларнинг катта саноат объектларини хорижий инвесторга хусусийлаштириш ва сотиш орқали ҳам мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 12 декабр 52/1-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда

“Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.

13. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

15. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

16. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

17. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
//Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

19. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

20. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзланган нутқ. –Т.:”Ўзбекистон”, 2007.

21. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.:Ўзбекистон, 1995.

22. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатидаги устуворликлар ҳақида. Т.: Ўзбекистон. 1993.

IV. Асосий адабиётлар

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

26. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

27. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов “Хорижий инвестициялар”-Т “Молия”, 2010 й.

28. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

29. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. Т.: Иқтисодиёт, 2009. — 93-С.

30. Б.Зи, К.Алекс, М.Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание: Пер с англ. «Вильямс», 2008. – 984 с.

31. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций. – СПб.: Питер, 2008. - 482 с.

32. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. Ростов н/Д.: Феникс, 2008. – 272 с.

33. Рашидов О.Ю. “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш”. – Т.: ТДИУ, 2007.

34. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.

35. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2007.

V. Қўшимча адабиётлар

36. Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2012 йил 25 апрель). – Т.: ТДИУ, 2012. -284 бет.

37. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

38. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

39. Беренс В., Хавранек П. «Руководство по оценке эффективности инвестиций» М: Интерэкспорт, 2008.

40. Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2003.

41. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

42. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

43. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

44. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор.Uz.2008, № 17.

45. Ҳикматов А. Иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва инвестиция сиёсати. // Бозор пул ва кредит журн. 2000. №6. 49-40 б.

46. Экономическое обозрение. Деверюкс Д. и Робертс Б., Прямые иностранные инвестиции и благосостояние в странах с переходной экономикой: на примере Центральной Азии. 1998, 3 том, 49 стр.

47. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

48. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2011.

49. World Economic Outlook. IMF.

50. UNIDO Industrial Development Report.

51. IMF.World Economic Outlook.

VII. Интернет сайтлар

52. www.gov.uz

53. www.press-service.uz

54. www.mfer.uz

55. www.UzA.Uz.

56. www.review.uz

57. www.cer.uz

58. www.mfa.uz

59. [http:// www.stat.uz](http://www.stat.uz).

ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари²⁸
млн. сўм

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i>	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан,</i>	911 834	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	609800	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	139930	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси)	162104	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси		46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси (<i>сўм эквивалентида</i>)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (<i>сўм эквивалентида</i>), <i>шундан:</i>	1 376 130	1 701 901
	<i>қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)</i>	<i>171 750</i>	<i>301 564</i>
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	2 069 185	3 524 824
	<i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	<i>196 289</i>	<i>222 070</i>
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (<i>сўм эквивалентида</i>)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

²⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий
параметрлари²⁹**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i>	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан:</i> - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкilotларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий- техник базасини ривожлантириш жамғармаси	1 876 750 921572 218243 623 500* 113 435*
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), <i>шундан:</i> <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 750783 250560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз мблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 236108 426300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481988

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

3-жадвал


**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар³⁰**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизда пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизда буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремнийни ишлаб чиқаришنى таъминлаш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизда когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калий ўғит заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш	254,8
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74


³⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун
бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари
рўйхати:**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.
2. Енгил саноат:
 - Тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш;
 - тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;
 - табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.
3. Ипакчилик саноати: шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.
4. Қурилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.
5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.
6. Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хомашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).
7. Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариеғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.
8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.
9. Кимё саноати.
10. Нефть-кимё саноати.
11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.
12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.
13. Муқобил энергия манбалари негизда электр станциялари қуриш.
14. Кўмир саноати:
 - кўмирни бойитиш;
 - кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;
 - сланец саноати.
15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.
16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:
 - машинасозлик;
 - трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
 - қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
 - енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.
17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.
18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.
19. Микробиология саноати.
20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.



1-расм. 2012 йилда ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар микдори, млрд. сўм.




2-расм. 2012 йилда ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар микдори, млрд. сўм.

1-Диаграмма




2-диаграмма

**ХУДУДЛАРДА ЖАМИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХОРИЖИЙ
САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ
(ҳудудлар кесимида) ЖАМИ: 4283та**



3-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар (соҳалар кесимида)



5-жадвал

**Худудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш
элементлари**

№	Худудлар	Худуднинг умумий иқтисодий ривожла ниш даражаси	Худуд нинг молиявий ресурслар билан таъминиши	Инвести цион инфра тузилма ривож ланиш дара жаси	Худуд нинг демог рафик тавсиф и	Институ ционал ўзгариш лар ва ривожла ниш даражаси	Худуд нинг инвести цион фаолият хавфсиз лиги даражаси	Мутлақ интеграл ранг қўрсат кич
1	Қорақал- поғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755